

**“Худудгазтаъминот” АЖ Бирлашган касаба уюшма қўмитаси томонидан
2024 йилда амалга оширилган ишлар сарҳисоби тўғрисида
МАЪЛУМОТ**

<p>Ходимлар саломатликларини тиклаш ва мустаҳкамлаш</p>	<p>Ходимлар саломатликларини тиклаш ва мустаҳкамлаш учун ижтимоий суғурта ҳисобидан 230 нафар ходимларга 987 772 780 сўмлик, Касаба уюшмаси бадаллари ҳисобидан 159 нафар ходимларга 608 639 000 сўмлик йўлланмалар берилди. 2024 йил дам олиш масканларига 520 та ходимлар жўнатилиб, 742 521 000 сўм маблағ ажратилган.</p>
<p>Болалар соғломлаштириш оромгоҳларида ходимлар фарзандларини дам олдиришни ташкиллаштириш</p>	<p>2024 йил ёз мавсумида болалар ёзги соғломлаштириш оромгоҳига 1 784 нафар ходимлар фарзандларига имтиёзли йўлланмалар ажратилиб, умумий миқдорда 1 874 171 500 сўм маблағ сарфланди.</p>
<p>Жамият томонидан соғликларини тиклаш учун ходимларга моддий ёрдамлар кўрсатиш</p>	<p>2024 йил “Худудгазтаъминот”АЖ томонидан соғликларини тиклаш ва мураккаб жарроҳлик амалиётларини ўтказиш учун 167 нафар ходимларга 1 329 680 974 сўмлик моддий ёрдам маблағлари ажратилди. 2024 йил Бирлашган касаба уюшмаси қўмитаси ва бошланғич касаба уюшмаси ҳисобидан 1479 та ходимга 1 894 368 239 сўм миқдорда моддий ёрдам ажратилди.</p>
<p>Ички туризм ва саёҳатлар ташкиллаштириш</p>	<p>Республикамиздаги тарихий бой ва замонавий шаҳарларини зиёрат ва саёҳат қилиш учун жами 1770 та ходим юборилиб, 749 377 055 сўм маблағ ажратилди.</p>
<p>Спорт ва соғломлаштириш тадбирлари</p>	<p>Йил бошидан Жамият ва тизим корхоналари томонидан ташкиллаштирилган 202 та спорт тадбирларида 2517 нафар ходимларимиз иштироки таъминланиб, 308 403 955 сўм маблағ сарфланди.</p>
<p>Маданий-маърифий дам олиш тадбирлари</p>	<p>Ходимлар дам олиш вақтларини мароқли ва мазмунли ўтказишлари учун 757 та маданий-маърифий тадбирлар ташкиллаштирилди, унда жами 19424 нафар ходимлар иштироки таъминланиб, 1 933 903 403 сўм маблағ сарфланди.</p>